O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

БУГУНГИ СОНДА:

**САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР**

Депутатлар бевосита мулоқотлар чоғида парламент ҳаёти, қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшлар олдида турган мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммолар хусусида кўплаб саволларга жавоб бердилар.



2

**ГЛОБАЛ ИСИШНИНГ ЯНГИ ОҚИБАТЛАРИ**

Италия табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти тадқиқотчилари томонидан глобал исишнинг янги оқибатлари аниқланган.



3

**ЭЪЗОЗ ВА АРДОҚ ОҒУШИДА**

Бири-бирида ширин ўғил-қизларнинг шўх-шўх кулгилари, бийроқ-бийрон сўзлашувлари, ўйин ва машғулотлари диққатимизни тортди: бири расм чизаяпти, бири пластилиндан аллақандай шакл ясаяпти...



4

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «ADOLAT» sotsial-demokratik partiyasi

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№ 25 (729)
2009 йил,
29 май,
жума

# ЎЗБЕКИСТОН — БРАЗИЛИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Бразилиа, 28 май.*
*(ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан 27 май куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Бразилиянинг давлат мадҳиялари янгради. Давлатимиз раҳбари шарафига замбараклардан 21 марта ўқ узилди. Ислом Каримов фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

28 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг музокаралари бўлиб ўтди.

Президентларнинг мулоқотида Ўзбекистон — Бразилия муносабатларига доир масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Лотин Америкасининг ушбу етакчи мамлакати билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Луис Инасиу Лула да Сильва Бразилия Марказий Осиёдаги етакчи давлат бўлган Ўзбекистонни ўзининг ишончли ҳамкори деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Бразилия ўз минтақасида муҳим ўрин тутадиган давлатлардир. Мамлакатимиз Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусини илгари сурган. Бразилия — Меркосурнинг (Жанубий Америка умумий бозори) энг ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан қудратли давлати. Ўзбекистон — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этилишининг ташаббускори. Бразилия Лотин Америкасида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилган. Ўзбекистон ҳам, Бразилия ҳам БМТни ислоҳ қилиш, унинг халқаро муаммоларни бартараф этишдаги ўрни ва аҳамиятини оширишни ёқлайди, "кўп қутбли дунё" тамойилини қўллаб-қувватлайди. Терроризм, экстремизм, наркобизнес, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларнинг олдини олиш, бу иллатларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасида икки мамлакат раҳбарлари ҳамфикр.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини ёқлаб, таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон турли йилларда БМТ органларига Бразилия номзодларини ёқлаган. БМТда Ўзбекистонга оид масалалар муҳокамага қўйилганда эса Бразилия мамлакатимиз нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаб келган.

Иқтисодий соҳада ҳамкорликни деярли барча соҳаларда ривожлантириш учун яхши омиллар бор. Бразилия ҳам илгари аграр, хомашё экспорт қилувчи мамлакат бўлган. Ҳозирги кунда унинг экспортидан қаҳва, соя, шакар, апельсин, темир рудаси, пўлат ва шулар қаторида авиация техникаси, автотранспорт, электроника буюмлари, пойафзал, тўқимачилик маҳсулотлари жой олган. Ялпи ички маҳсулот ҳажми (1,8 триллион АҚШ доллари) жиҳатидан Бразилия Лотин Америкасида биринчи ўринда туради. Саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 40 фоизга яқин, қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси эса 10 фоиздан ошмайди.

(Давоми 2-бетда.)



# БУЮК АЖДОДЛАРНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДЛАРИ

**Бугун Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида мамлакатимиз ўқувчиларининг катта спорт байрами — "Умид ниҳоллари — 2009" мусобақаси старт олади. Мустақил ҳаёт бўсағасида турган навқирон ёшларимиз спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашадилар.**

Айни пайтда Ўзбекистон фарзандлари нафақат билими ва салоҳияти, балки жисмоний соғлом, абжир ва кучлилиги туфайли ҳам жаҳон ареналарида Ватанимиз байроғини баланд кўтармоқдалар. Бундай улкан зафарларга эришишда, албатта, Президентимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги, юксак эътибори катта аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бинобарин, Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда анъанага айланган, бир-бирини тўлдириб борувчи уч босқичли спорт ўйинлари — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" беллашувлари ёш авлод камолотида муҳим омил бўлмоқда.

Сир эмас, давлат ўз кучи, қудратини мунтазам таъмин этиб турмоғи учун бақувват қўллар, ўтли юраклар зарур бўлади. Юқорида тилга олинган спорт мусобақалари эса ана шундай ёшларни тарбиялайди, уларни курашларга ундайди, қалбларида ватанпарварлик туйғуларини, эл-юртга чексиз меҳрни камол топтиради.

Дарвоқе, ёшлик, спорт, ғалаба, баркамоллик тушунчалари моҳиятан ўзаро уйғундир. Бундай тушунча-туйғуларнинг навқирон авлод қалбида доимо жўш уриб туриши учун спорт мусобақаларининг аҳамияти катта. Зотан, спорт билан шуғулланган бола соғлом бўлади, соғлом инсонгина соғлом фикр юритади. Бу сифатлар Ватанимиз қудратига қудрат қўшиши шубҳасиз.





## 7 кун нафаси

### ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Шу йилнинг апрель-май ойларида тинимсиз ёққан ёмғир туфайли Тожикистоннинг қирқдан зиёд шаҳар ва туманлари жиддий талофат кўрган эди.

Ўзбекистон ҳукумати Тожикистон ҳукуматининг барча давлатлар ва халқаро ташкилотларга ёрдам сўраб қилган мурожаатига биринчи бўлиб жавоб берди. 23 май куни Сурхондарё вилоятининг Сариосиё темирйўл бекатидан табиий офат туфайли турар жойлари вайрон бўлган ва бошпанасидан айрилган қўшни мамлакат фуқароларига қурилиш материаллари, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўнлаб палаткалардан иборат 20 вагондан ортиқ инсонпарварлик юклари жўнатилди.

### МУЗОКАРАЛАР САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўтган ҳафта Бирлашган Араб Амирликлари энергетика вазири Муҳаммад бин Зайен ал-Ҳамилий раҳбарлигидаги делегация аъзолари мамлакатимизга ташриф буюриб, қатор вазирлик ва идораларда музокаралар олиб борди.

Делегация, жумладан республикамиз Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг ва "Ўзбеккимёсаноат" давлат акциядорлик компанияларида бўлиб, икки томонлама иқтисодий алоқалар ривожининг истиқболлари борасида манфаатли келишувларга эришдилар.

Шунингдек, музокаралар давомида мамлакатлар ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармояларни ўзаро рағбатлантиришга оид қатор битимлар ҳам имзоланди.

### ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

Ғаллаороллик тадбиркор Эркин Тожибоев банкдан кредит олиб, туманнинг Лалмикор шаҳарчасида маиший хизмат кўрсатиш марказини бунёд этди.

Ўтган куни ишга туширилган мазкур замонавий мажмуада автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси, сартарошхона, тикувчилик цехи, савдо дўкони, шунингдек, гўшт маҳсулотлари билан савдо қилувчи тармоқ мавжуд. Муҳими, уларда 20 та янги иш ўрни яратилди.

### "ШАҲРИСАБЗ БАҲОРИ"

деб номланган ёшлар сайли Шаҳрисабздаги Амир Темур майдонига тумандаги барча маҳаллалар ёшлари ва кексалари қатори ўша кунлари бу ерга меҳмонга келган чет эллик сайёҳларни ҳам чорлади.

Сайлда маҳаллалардаги "Устоз-шогирд" марказларида ҳунар ўрганаётган ёш йигит-қизлар ўз ҳунармандчилик буюмлари-ю миллий таомлар кўргазмаларини намойиш этдилар. Фольклор ва эстрада жамоаларининг чиқишлари сайл иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

### БЕЛЛАШУВ

Наманган саноат касб-ҳунар коллежида "Ўткир зеҳнлилар" беллашуви бўлиб ўтди.

— Мусобақа 3 босқичда ташкил этилди, — дейди директор ўринбосари Наргиза Ибрагимова. — "Биз мустақил Ўзбекистонннинг бахтли ёшларимиз" деб номланган босқичда илмга чанқоқ ва зукко ўқувчилар Ватанимизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро этишиб, саҳна кўринишларини намойиш қилган бўлсалар, кейинги босқич давлатимиз томонидан ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етиши учун қабул қилинган қонун ва қарорлар ҳақида бўлди. Учинчи босқичда эса жамоалар сардорлари ўртасида баҳру байт ўйини ўтказилди.

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламентига кўра, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари шу кунларда ўз сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишмоқда.**

78-Тўйтепа округидан депутатликка сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда бўлди. Ўртачирчиқ туманидаги "Дўстлик" қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китобининг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича мулоҳаза юритилди.

— Ҳозир бутун жаҳон иқтисодиёти жиддий имтиҳонни бошдан кечирмоқда, — деди Исмоил Саифназаров ўз сўзида. — Синов кўлами ва мураккаблиги шу қадарки, халқаро молия бозорида талаб ва эҳтиёжлар ҳеч қачон бугунгидек кескин равишда тушиб кетмаган. Бугунги вазият, шунингдек, бутун дунё иқтисодиёти бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатди. Натижада бир минтақада пайдо бўлган иқтисодий инқироз тез орада дунёнинг нариги бурчагидаги мамлакат иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб турибди. Инқироз Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаяпти, албатта. Бироқ, ўз вақтида кўрилган оқилона чора-тадбирлар натижасида инқирознинг салбий оқибатлари мамлакатимизда деярли кузатилмаётир. Унинг оқибатларини бартараф этишда Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Парламентда

# МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида демократик блокка бирлашган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Қатор вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган йиғилишда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида фикр алмашдилар. Таъкидландики, Юртбошимиз қарорида тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим имтиёз ва преференциялар яратилиши кўзда тутилган. Жумладан, 2009 йил 1 июндан эътиборан лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ўтказиш қиймати энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 3 бараваригача пасайтирилди. Банкларда ҳисоб рақамларини очиш тўловлари эса 28040 сўмдан 14020 сўмга, қишлоқ жойларда 2804 сўмга туширилди. Қолаверса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган бож миқдори ҳам камайтирилди. Яна бир эътиборли жиҳат: топография-геодезия ишлари комплексини амалга ошириш ва кадастр хизматлари томонидан кўрсатиладиган бошқа турдаги хизматлар учун тарифлар 40 фоизга пасайтирилди.

Йиғилиш иштирокчилари қарор аҳамияти тўғрисида сўз юритиш асносида кичик бизнеснинг бозор коньюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши, истеъмолчилар талабига таъсир кўрсатиши ва рақобат муҳитини шакллантира олиши билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратишди. Қолаверса, янги иш ўринларини жадаллик билан яратиш қаторида кичик бизнес аҳоли бандлиги ва уларнинг даромадларини кўтариш имкониятини кенгайтириши таъкидланди. Шу боис кичик бизнес билан шуғулланувчилар бугунги кунда иш билан банд бўлган мамлакатимиз аҳолисининг 76 фоизини ташкил қилмоқда.

Демократик блок йиғилишида Президентимизнинг мазкур қарори мазмун-моҳиятини сайловчилар билан бўлиб ўтадиган учрашувларда кенг муҳокама қилишга ва шу орқали кичик бизнесни ривожлантиришда давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига амалий ёрдам кўрсатишга келишиб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюжетининг 2008 йилдаги ҳамда 2009 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Шунингдек, мамлакат ҳаётига доир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
**"Adolat" мухбири.**

# СУВ ҲАҚИДАГИ СЎЗ ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ВА МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

**Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш муаммоларига бағишлаб сўнгги пайтда минтақамизда кўплаб конференция, симпозиум ва семинарлар бўлиб ўтди. 2009 йил 28 апрель куни Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатларининг форумида ҳам минтақада сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.**

Форумда минтақада сув ресурсларидан фойдаланишга доир турли фикр ва нуқтаи назарлар баён этилди. Трансчегаравий Сирдарё ва Амударё оқимининг юқори ҳамда қуйи қисмида жойлашган давлатлар манфаатларини ҳисобга олганда, бу табиий ҳол, албатта.

Баҳс-мунозаралар давомида ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг айрим вакиллари томонидан трансчегаравий дарёлар сув ресурслари учун муайян шаклда ҳақ ундириш ғоясини илгари суришга уринишлар бўлди. Ҳаттоки, бундай ёндашувни гўё Жаҳон банки ҳам қўллаб-қувватлаши борасида баландпарвоз гаплар айтилди.



(Давоми 2-бетда.)

Таълим ислоҳотлари — амалда

# МАҚОМ БИЛАН УЛҒАЙСИН ЁШЛАР

**мактабларда мусиқа маданиятига эътибор ошмоқда**



Наргиза пианинода навбатдаги машқни поёнига етказгач, очиқ деразага боққанича хаёлга ботди...

"Ўшанда сингилларим билан қўшиқ айтиб, "концерт" қўйгандим. Бундан таъсирланган раҳматли онам қўлимдан етаклаб, болалар мусиқа мактабига олиб борган эдилар. Шунга ҳам ўттиз йил бўлибди-я.

Биринчи устозим Тоир ака Исҳоқовдан бир умр миннатдорман. Ахир, шу инсондан санъатнинг илк сабоқларини олмаганимда, нотага қараб чалишлар қаёқда эди..."

Эшик жиринглаб, фикри бўлинди. Қараса, болаларининг отаси Неъматжон экан.

— Нечук, барвақт қайтибсиз-ми? Ҳозир, сессия-имтиҳонлар даври бўлса!

— Бир талабанинг диплом ишини уйга олиб келгандим. Унутибман, яна кетаман. Манави қоғозни уйга яқинлашганимда, ўқувчинг қўлимга тутқазди. Кўр-чи, тавсифномага ўхшайди.

Икки букланган қоғозга кўз югуртираркан, Наргиза беихтиёр шукроналар айтди. Яна хаёлга берилди.

"Бахтли бўлиш учун орзу қанотида учишнинг ўзи кифоя эмас, — деган эди моҳир дуторчи, Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов. — Фақат машқ ва меҳнатгина мақсад сари етаклайди.

Мен буни талабалик йиллари "Ориф Қосимов ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш" мавзусидаги илмий ишланмам олийгоҳ кўрик-танловида юқори баҳоланганида ҳис қилганман."

У устозини шунчаки хотирламади. Боиси, меҳр билан ёзилган тавсифномадан таъсирланиб, меҳнатлари зое кетмаганини кўнглидан ўтказди. Ўзи мусиқа маданияти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб турган 201-мактаб директори Д.Ҳайдарова имзолаган бу ҳужжатда, жумладан, шундай сўзлар ёзилган эди:

"Мактабимизда ўқувчиларнинг мусиқа маданияти дарсларига катта қизиқиш билан қарашаётгани сезилиб туради. Бунда ёшларда мусиқага ошуфталикни шакллантириш йўлида изланаётган ўқитувчи Наргиза Мансурованинг муносиб ҳиссаси бор. Унинг "Дарс жараёнида ўқувчиларни ўзбек мумтоз мусиқа санъатига қизиқишини уйғотиш" мавзусидаги илмий изланишлари ўз самарасини бермоқда. Хусусан, 5-7 синфларда нафақат мусиқа тинглаш, балки замонавий ва ота-боболардан мерос бўлиб қолган мақомдек маънавий бойликка муносабат билдириш, шарҳлаш каби хислатлар шаклланмоқда.

Наргиза "Жажжи юлдузлар" тўгараги раҳбари сифатида ёшларга рақс сирларини ўргатади. Айниқса, Чилонзор тумани ўқувчилар ижодиёти маркази қошида очилган "Ёш мақомчилар" дастасининг чиқишлари оммалашиб бормоқда. Бу ҳаммаси меҳрибон ва талабчан устоз Наргиза Мансурованинг замон билан ҳамнафаслиги, буюк аждодларимизга муносиб авлод тарбиялаш масъулиятини зиммасига олганлигидан далолатдир".

Дарвоқе, Президентимизнинг: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган сўзларида озод ва обод юрт ворисларига катта умидворлик ифода этилган. Юртбошимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида эса бу борада амалга ошириладиган маданий-маърифий ишлар кўзда тутилган. Дастурга кўра, мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаблар қатори умумтаълим ўқув масканларида ҳам мусиқа фани ва дарсликларини замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш мўлжалланган. Демак, мактаб деразаларидан таралувчи Ватан, тинчлик, дўстликни тараннум этувчи қўшиқлар билан бирга азалий ва абадий мақом оҳангларини ҳам баралла тинглаб, қадриятларимизни янада эъзозлашга замин яратилмоқда.

**Сурайё АҲМАДЖОНОВА.**



1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



# ЭЪЗОЗ ВА АРДОҚ ОҒУШИДА

Боғчага фарзандларини етаклаган ота-оналар билан кириб бордик. Икки қаватли бино, ям-яшил дарахтзор, ранг-баранг гулзор, текис асфальт йўлакчалар, жиҳозланган ўйин майдончалари ва ниҳоят меҳрибон боғча опалар ҳамма болаларни бир зумда бағрига олди.

— Ассалому алайкум, опажон.

— Ваалайкум ассалом, тилингдан ўргилай қоқиндиқ, келдингми? — дея алик олаётган I-гуруҳ тарбиячиси Ирода Эргашева болаларни қабул қила бошлади...

Қўшни гуруҳларга разм ташлаймиз. Дилором Йўлдошева, Елена Клинкина, Татьяна Александрова сингари ўнлаб бошқа тарбиячилар ҳам жажжиларни самимий кутиб олишаяпти. Болакайларнинг уларга қараб талпиниши ва ота-оналари билан жажжи қўлчаларини силтаб хайрлашиб қолиши кишига алланечук ширин бир кайфият бағишлайди.

— Ленура Шевкетовна Елина керак эдилар? — сўрадик иккинчи қаватдан тушиб келаётган оқ халатли қиздан.

— Марҳамат, опа ҳув нариги гуруҳда, — деди у бурчакдаги эшикни кўрсатиб.

— Шу томон юрдик. Мудирани чиндан ҳам болалар даврасида учратдик. Бугун бу ерда боғча билан хайрлашиб, илк бор мактабга — биринчи синфга борадиган болалар — битирувчи гуруҳ ўғил-қизлари учун байрам куни экан. Мудира уларнинг ана шу шодиёнага тайёргарлиги юмушлари билан банд эди. Халақит бериб ўтирмадик. Иккинчи қаватга кўтарилиб, услубчи (методист) Роза Набиевани йўқладик. Ичкарида экан, эшитди-ю, югуриб чиқди.

— Мен шу ерда.

Унга мақсадимизни айтдик.

— Ҳокимиятда ҳам, халқ таълими туман бўлимида ҳам, қолаверса, ота-оналар ҳам энг яхши боғчалардан деб сизларникини — "Табассум" боғчасини айтишди, — қўшиб қўйдик сўзимиз охирида.

— Ў-ўў, мактаб юборишибди-ку... Ҳақиқатдан ҳам боғчамиз Чилонзор туманида энг олд боғчалардан десам янглишмайман, — фахрланди у. — 12 та гуруҳда 250 дан зиёд кичкинтойлар тарбия олишади. Уларнинг ўйнаб-ўсишлари учун ҳамма шароит муҳайё. Гуруҳларимиз янги-янги мебеллар, ўйинчоқлар, жиҳозлар ва ўқув-ёзув воситалари билан тўла таъминланган. Болаларга берилаётган овқатлар тури ва сифати яхши. Ота-оналар хурсанд... Ҳудудимиз хуш ҳаво, биномиз кўркам, ўйин майдончаларимиз кенг, ҳамма ёқ гулу гулзор...

Гуруҳларга кирамиз. Бирибиридан ширин, дўмбоқ ўғил-қизларнинг шўх-шўх кулгилари, бийрон-бийрон сўзлашувлари, ўйин ва машғулотлари диққатимизни тортди: бири расм чизаяпти, бири пластилиндан аллақандай шакл ясаяпти, яна бири қандайдир ўйинчоқни ўзича "таъмир" қилмоқда. Гўё ҳаммаси "муҳим ташвиш" билан банд.

— Исминг нима? — елкасига дўхтирларникига ўхшаш сумкача осиб олган қизалоқдан сўрадик.

— Мадинабону.

— Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан?

— Доктор.

— Уколдан қўрқмайсанми?

— Қўрқаман... — жавоб қилди у.

Кулишдик. Қизалоқ уялди, шекилли югуриб тенгдошлари орасига кириб кетди. Рўпарамиздан чопқиллаб ўтаётган ўғил болани тўхтатиб сўраймиз.

— Сен ким бўласан?

— Солдат! (аскар демоқчи)

— Солдат қандай бўлади?

— Зўр бўлади, мен ҳам зўр боламан, кучлиман, мана, қаранг... — У кўйлаги енгини шимариб билагини қайириб, тирсаги усти мушагини кўрсатди, — кўрдингизми, кучим кўп, адамлар айтди, зўр боламан...

— Отинг нима?

— Наврўзбек.

— Қўшиқ ҳам биласанми?

— Биламан, кўп қўшиқ биламан, бувам ўргатган...

— Қани, айт-чи.

Тоза ҳаво, тоза сув,
Тоза осмон бизники.
Ватанимиз фаровон,
Озод маскан бизники...

Ҳа, мамлакатимизда ҳамма нарса уларники! Уларсиз эрта йўқ, келажак йўқ. Шунинг учун ҳамки, уларнинг бахтиёрлигини таъминлаш йўлида мустақиллигимизнинг илк кезларидан бошлаб, Юртбошимиз ташаббуси ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги билан Ўзбекистонда энг яхши шароитлар, энг яхши имкониятлар ва энг яхши нарсалар болаларга аталди. Дарвоқе, юртимизда бўлган бир чет эллик меҳмондан ватанига қайтиб боргандан сўнг сўрашибди:

— Ўзбекистонда кимларга кўпроқ эътибор берилар экан?

— Болаларга, ёшларга! — жавоб қилибди у.

Ҳақ гап. Зеро, болалар бизда доим ардоқда, эъзозда.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

## ОИЛАДА

*Менинг ёшим тўққизда,*
*Ҳамманинг эркасиман.*
*Дадажоним ширини,*
*Аяжоним қизиман.*

*Бувижоним меҳрибон,*
*Алқайдилар, дуохон.*
*Дарсларимда кўмакчи,*
*Билмай қолсам, ёрдамчи...*

**Моҳичеҳра АҲРОРОВА,**
**мактаб ўқувчиси.**
*Самарқанд вилояти*

## ЖИЯНИМГА

*Бунча шўхсан, шодонсан,*
*Ўйноқ кўзли жайронсан.*
*Балки юртнинг донғини*
*Таратгувчи инсонсан.*

*Томирингда жўшар қон,*
*Паноҳинг — Ўзбекистон.*
*Тонгдаги шудринг мисол*
*Покизасан, жиянжон.*

*Ҳозир ўйнаб куларсан,*
*Улғаярсан, унарсан.*
*Ишонаман, Ватанга*
*Камарбаста бўларсан.*

**Дилдора ШАРИПОВА,**
**мактаб ўқувчиси.**
*Китоб тумани*

Юқори Чирчиқ тумани 22-умумтаълим мактаби томонидан Джиенбеков Бижон Уролбоевичга берилган № 1032465 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# БОЛАЛАРГА БЕРИНГ, ДУНЁНИ

**Ўзбек халқи болажон халқ. Ўз фарзандининг бахти-иқболи, эришган ютуқларини кўриш — ҳар бир ота-онанинг қалбини фахру ифтихорга тўлдиради.**

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда фарзандларимизнинг ҳар томонлама кучли, билимли бўлиб вояга етишишларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларининг вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди", деб белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, ҳукуматимиз томонидан бола ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилиндики, бу пировардида фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда вояга етишига замин яратмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан Ҳамза тумани ФҲДЁ бўлими ходимлари маҳаллалар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида бўлиб, қизиқарли тадбир ва учрашувлар ўтказмоқда. Бу тадбирларда ходимларимиз ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган болаларни ҳимоялашга қаратилган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишмоқда. Бу эса кутилганидан ҳам яхши самара бериб, ота-оналар, тарбиячи ва устозларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

**Зулайҳо КАМОЛХОДЖАЕВА,**
**Ҳамза тумани ФҲДЁ бўлими мудираси.**

Мулоҳаза

***Кейинги йилларда пойтахтимиз кўчалари кенгайиб, жамоат транспорти воситалари янгиланди. Йўналишлар кўпайтирилиб, турли русумдаги автобуслар қатнови аниқ жадвал бўйича йўлга қўйилди. Қишнинг совуғи, ёзнинг жазирама иссиғи демай туну кун шаҳар аҳолисига холис хизмат қилаётган моҳир ҳайдовчиларнинг хизматидан эл мамнун.***

# ЙЎЛОВЧИНИ РАНЖИТМАНГ

Лекин ҳайдовчилар орасида зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилмайдиганлари ҳам учрайдики, бундайларидан йўловчилар ҳақли равишда ранжийдилар. Чунки улар ўзларини шундай тутишадики, гўё жамоат транспорти уларнинг хусусий мулкидек. Автобусни бошқараётиб йўловчиларга бақириб-чақириши, ҳатто сўкиниб, ўшқириб муомала қилишини кўриб, бундай ҳайдовчилар автобус жамоат транспорти эканлигини, ундаги йўловчиларга қўрслик қилишга ҳақ-ҳуқуқи йўқлигини унутиб қўйишган, шекилли, деган фикрга борасиз.



Гоҳида бир йўналишдаги иккита автобус кетма-кет келиб қолса, томошани кўринг: аввалига улар машиналарини тўхтатиб, бақириб-чақириб сўкишиб олишади, кейин кимўзарга пойга қилишаётгандек автобусларни юқори тезликда, баъзан бекатларда тўхтамай учиришади. Бундай ҳолда йўловчилар таҳликага тушиши аниқ. Ахир, уларнинг тақдири ҳайдовчининг қўлида-ку!

Талаба бўлганим учун, асосан, автобусга чиқаман. Ҳайдовчи ва чиптачининг биз талабаларга бўлган муносабатидан дилим оғрийди. Улар талабаларга беписандлик билан қарашади. Ахир, талабада ойлик йўл чиптаси бор, у йўл кирани нақд пул билан тўламайди-да. Лекин талабалар ҳам ойлик йўл чиптасини сотиб олишади-ку!

**Зарнигор РАМАЗОНОВА,**
**Жаҳон тиллари университети талабаси.**

Ўқинг, қизиқ

# «МИТТИВОЙ»НИНГ ВАЗНИ 3 ТОННА...

■ Илонхўр қушлар анча тадбиркор ҳисобланишади. Уялари ифлос бўлганини сезиб қолишса, еғани олиб келган илонларни уяларига қўйиб юборишади. Илон жаҳл билан уядаги барча чиқиндиларни ямламай ютишга тушади. Қарабсизки, уя ёғ тушса ялагудай топтоза бўлиб қолади.

■ АҚШда далалар ва очиқ ҳудудлардан ўтувчи катта газ қувурларидан юбориладиган газларга атайин хом гўшт ҳиди қўшилар экан. Агар қувурнинг бирон жойи тешилгудек бўлса, буни билиб олиш жуда ҳам осон. Чунки, ўша тешик тепасида йиртқич қушлар ғуж-ғон ўйнашади-да!

■ Янги туғилган кит боласини сезмаслик мумкин эмас. Ахир бу "миттивой"ларнинг туғилган пайтидаги вазни 3 тонна, танасининг узунлиги 8 метрга тенг (кўк китларда). Бу катта ёшдаги филнинг вазнидан 2000 килограммга кўпдир. Танасининг узунлигини ҳосил қилиш учун эса камида ўнта фил саф тортиб туриши керак бўлади. Бошқа кичкинтой китлар ҳам кўк китдан қолишмайди:

— ирланд кити - 6 метр, 6 тонна;
— жануб кити - 5 метр, 5 тонна;
— шимол уркачли кити - 4.5 метр, 2.5 тонна;
— кулранг кит - 4.5 метр, 1.5 тонна.

Она китнинг сути энг озуқага бой ҳисобланади. Унинг таркибида 42 фоиз ёғ ва 12 фоиз оқсил мавжуд бўлиб, ғоятда қуюқ, кремсимон. Катта одамнинг озиқ рационидан юз баробар кучли бўлган бу калорияли озуқа кит боласининг ғайритабиий тезликда ўсишини таъминлайди. Агар янги туғилган одам боласига ўз вазнини икки баробар орттириши учун 180 кун керак бўлса, кит боласи буни етти кунда уддалайди.

Етти ой эмизиб боқилган кит боласи суткасига 90 литрдан сут истеъмол қилади. Худди шунча муддатда 3-4 сантиметр ўсади ва вазни, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, 80 килограммга ортади. Бу соатига 3,3 килограммни ташкил этади. Ёғга бой кит сутининг 18-19 тоннаси боласининг вазнига 17 тонна вазн қўшишга сарфланади.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ тайёрлади.**

(Газетанинг навбатдаги сони 2009 йил 12 июнь, жума куни чиқади.)

ADOLAT
Inson manfaatlari — oliy qadriyat
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

**Телефонлар:** қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

**Манзил:** *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул
Холтўра ШАФОАТОВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• *«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.*
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100
Навбатчи муҳаррир — Камол АЛЛАЁРОВ
Навбатчи — Бахтиёр ЁҚУБОВ
Саҳифаловчи-дастурчи — Бобур ТУРДАЛИ ўғли

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 400. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 5066. Босишга топшириш вақти – 23.50. Босишга топширилди – 23.30 1 2 3 4 5 6 7 8